

АСАР ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТИНИ ОЧИБ БЕРИШДА ТУШНИНГ РОЛИ

Истамова Шохида Махсудовна

ОХУ Педагогика ва психология

кафедраси доценти

Аннотация: Мақолада ёзувчининг туш мотивидан бадий асарларда қаҳрамон руҳий ҳолатини, кечинмаларини ифодалашнинг муҳим поэтик воситаси сифатида қўллаш маҳорати ҳақида фикр юритилади.

Аннотация: В статье рассматривается мастерство писателя в использовании мотива сна как важного поэтического средства выражения душевного состояния и переживаний героя в литературных произведениях.

Abstract: The article discusses the writer's skill in using the dream motif as an important poetic means of expressing the hero's mental state and experiences in literary works.

Kalit so‘zlar: руҳий таҳлил, поэтик восита, ички зиддият, туш мотиви, эврилиш, тушнинг сюжети, бошнинг шикастланиши.

Ключевые слова: психологический анализ, поэтический прием, внутренний конфликт, мотив сна, трансформация, сюжет сна, травма головы.

Keywords: psychological analysis, poetic device, internal conflict, dream motif, transformation, dream plot, head injury.

Туш мотиви бадий асарларда руҳий таҳлилнинг муҳим поэтик воситаларидан бири сифатида асар қаҳрамонларининг руҳий кечинмаларини психологик таҳлил қилишга ёрдам беради. Туш мотиви кўмагида асардаги образларнинг дилидаги кечинмалар, унинг атрофидаги турли муаммолар бадий акс эттирилади. Жумладан, Одил Ёқубов ўз қаҳрамонларининг кўрган тушидан таъсирланишини ғоятда маҳорат билан кўрсата олади. Бинобарин, Одил Ёқубов буюк ўзбек олими Мирзо Улуғбек ҳаётининг энг фожиали онлари, Улуғбек даврининг ички зиддиятлари тўғрисида яратган “Улуғбек хазинаси” тарихий романида ҳам туш мотивидан айнан бош қаҳрамонларнинг руҳий кайфиятини очиб беришда самарали фойдаланганлиги кузатилади. Тўғри, романда туш мотиви бор-йўғи икки ўринда учрайди. Лекин улар қўлланилган ўринлар асарда руҳий таҳлилнинг амалга оширилган энг кучли ўринлари ҳисобланади ва шуниси билан алоҳида диққатни тортади.

Келтирилган туш мотивларидан бири Улуғбекнинг туши бўлса, иккинчиси, унинг умрига зомин бўлган қотил ўғли Абдулатифнинг тушидир. Улар кўрган тушлар жуда таҳликали бўлиб, бу билан уларнинг таҳликали шароитда мураккаб руҳий вазиятни бошидан кечираётганликларига ишора қилинади.

Асарда Мирзо Улуғбекнинг салкам чорак аср олдин кўрган туши муайян воқеликнинг юз бериши таъсирида уни ёдга олиш тарзида келтирилган. “...Улуғбек Бағдод халифаси инъом қилиб юборган арабий оқ бедов отини миниб, йўлда ўйга чўмиб, нотинч хаёллар гирдобиди борар экан, бехосдан бундан чорак аср муқаддам қипчоқ хони Бароқхон унга қарши бош кўтариб чиққанда кўрган ёмон тушини эслайди. Унинг бу кўрган туши Сайхун бўйларида, Ясси ва Сиғноқ шаҳарлари учун бўлган жангу

жадалларда рўёбга чиққан эди!.. Мана ўша тушни кўрганига салкам чорак аср ўтди, лекин ханузгача эсидан чиқмайди”¹.

Улуғбек кўрган туш муайян сюжетга эга. Уни бемалол ҳикоя ичида келтирилган ҳикоя деб қараш мумкин. Чунки у ўзидан олдин баён қилинаётган бошқа бир воқеликни тўлдириш, қувватлаш, ундаги мазмунни янада кучайтириб, таъсирчанликни ошириш учун хизмат кўрсатмоқда. Улуғбекнинг туши тўрт эпизоддан иборат:

1. Тушида Улуғбекни суймаган хотини Ўғабегим зинога етаклаш ниятида таъқиб этади. У эса куш қиёфасига кириб хотинидан қочса, Ўғабегим калхатга айланиб кетидан қувади. Тушдаги бундай ҳолат рўёда кишининг нотинчлигини, бесаранжомлигини, дили ҳамиша кўркувда ва таҳликада эканлигини билдириб туради. Негаки, туш инсонларнинг уйғоқ ҳолатдаги юриш-туришлари, кайфиятлари, ички кечинмалари таъсирида уйқуда жонланадиган рамзий хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Шунинг учун кўпинча уйқудаги ҳолат билан реал ҳаётдаги ҳолатлар ўзаро мос келади.

Инсоннинг кушга эврилиши анъанавий эпик мотивлардан биридир. Бу мотив афсона, эртак ва дoston жанрларида кўп учрайди. Демак, бу мотив тушларда ҳам кузатилади.

Ўғабегимнинг калхатга айланиши мотиви орқали унга нисбатан салбий муносабат ифода этилмоқда. Чунки калхат ўлаксахўр куш сифатида салбий маъно касб этади.

2. Куш қиёфасидаги Улуғбек Хўжа Аҳмад Яссавий даҳмаси тепасига кўнади. Шу пайт улуғ авлиёнинг қабри ичидан марҳум бобоси Амир Темур чиқиб келади ва Улуғбекка рўпара бўлади. Бобоси унга ғазаб билан ўдағайлайди. Норози оҳангда уни тергайди ва юз беражак сиёсий нотинчликлардан огоҳлантиради. Халқ эътиқодига кўра, тушга марҳумлар тирик қиёфада кирса, бу нимадандир огоҳлантириш деб қаралади ва бундай туш асло бефарқ колдирилмайди. Дарҳақиқат, асарда халқнинг бу эътиқоди тасдиқланади.

3. Шундан сўнг Улуғбек тушида Бароқбек суворийларининг Моварауннахрни кунпаякун қилаётганини кўради.

4. Бобоси Амир Темур Улуғбекка “Ё бу бадхоҳларни сарҳадимдан даф этасан, ё тожимни қайтариб берасан” деб қаҳр қилади. Бобоси қаҳридан даҳшатга тушган Улуғбек орқага тисариламан деб, гўё асфаласофилинга қулаётгандай бўлиб чўчиб уйғониб кетади. Тушда инсоннинг қоронғуликка сингиб кетиши ёки тубсиз қоронғулик қаърига қулаши унинг фожиали ўлиmidан дарак сифатида қаралади. Асарда Улуғбек кўрган тушнинг сюжети ёзувчи томонидан худди шу эътиқодга мослаб шакллантирилган.

Улуғбек ўшанда кўрган бу туши нечоғлиқ тез рўёбга чиққанлигидан ҳайратга тушади. Негаки, у ўша тонгда Бароқбек бошлаган кўпорувчилик ва талон-тарожлик ҳақида хабар эшитиб, унга қарши жангга отланади ва жангда Бароқбекни енгиб қайтади. Бунда у ғалабага интилишида кўрган туши маънавий қувват бўлади. Улуғбек бобосининг руҳини ранжитмаслик ва хотиржам қилиш учун бор куч-ғайрати билан Бароқбекка қарши курашиб, ғалаба қозонади. Кўриняптики, бунда келтирилган туш мотиви воқеалар баёнида мантикий изчилликни таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Асарнинг ғоявий-эстетик таъсирчанлигини кучайтирмоқда.

¹ Ёқубов О. Улуғбек хазиnasi: Роман. 3-нашри.-Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.-48-52-б.

Романда яна падаркуш шахзода Абдулатифнинг туши ҳам бор.² Абдулатиф тожтахт илинжида ўз отасининг бошига қилич тортгач, қаттиқ рухий изтиробга тушиб қолади. Кўз олдидан бу манзара асло кетмайди. Ороми йўқолади. Васвасага берилади. Шунинг учун руҳан безовта ва анчадан буён роҳатли уйку кўрмай заифлашган Абдулатиф шароб таъсирида бадани бўшашиб, кўзи хиёлатга кетади ва ўзи таъкидлаганидек, “бисёр ёмон туш кўради”.³ Тушининг бошланишида у ўзини дабдабали базм қўйнида, ўйин-кулги ичида кўради. Бироқ сал ўтмай даврага ташриф буюрган душмани Султон Жондор нотаниш бир навкар билан олдиға келиб, унга қўлидаги олтин баркашни тутқизади. Баркашда эса қонга бўялган унинг ўз боши тиржайиб ётарди. Буни кўриб, Абдулатиф даҳшатга чўмади ва қўлидаги баркаш ерга тушиб, қонга бўялган боши ерга юмалаб кетади. Шахзода дод солиб қичқирганича уйғониб кетади.

Маълумки, халқ орасида тушга ва унинг таъбирларига қадимдан жиддий эътибор берилиб келинган. Халқ тушда бошнинг шикастланишини ёмонликка йўяди. Чунки бош - инсоннинг энг керакли аъзоси. Шунинг учун халқ бошга нисбатан алоҳида эътиқодий муносабат билдиради. Ҳатто буни бош ҳақида яратилган “Бош омон бўлса, дўппи топилар” каби мақоллар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Демак, тушида Абдулатифнинг ўз бошидан жудо бўлиши унинг ўлиmidан, бошига мусибат ва кулфат тушишидан дарак эканлигини билдирмоқда.

Хуллас, О. Ёқубов ўз асарларида тушдан бадиий восита сифатида ҳам фойдаланади. Унинг асарларида туш ифода усули бўлиб кўринади. Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романида бош қахрамонларнинг руҳиятини ёрқин очиб бериш учун туш мотивидан ўринли фойдаланилган ва шу орқали ўзига хос юксак бадииятга эришилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Maxsudovna, I. S., & Qizi, S. M. S. (2022). The role and importance of puzzles in the development of intellectual abilities of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(2), 209-213.
2. Maxsudovna, I. S., & To'ymurodovna, Q. G. (2025). ONA TILI VA O'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH (КАНОТ, EDUCAPLAY KABI PLATFORMALAR MISOLIDA). *PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(2), 177-180.
3. Истамова, Ш. М. (2021). ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ЁЗМА АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИДА ТУШ МОТИВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ: Истамова Шоҳида Махсудовна, филология фанлари буйича фалсафа доктори. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (6), 16-19.4.
4. Maxsudovna, I. S., & To'ymurodovna, Q. G. (2024, February). BOSHLANG'ICH SINFLARDA DIDAKTIK VOSITALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 2, No. 2, pp. 59-64).
5. Makhsudovna, I. S. (2023). Dreams as a Means of Psychological Analysis.

² Ёқубов О. Улуғбек хазинаси, 332-б.

³ Ёқубов О. Улуғбек хазинаси, 339-б.

6. Истамова, Ш. М. *Поэтико-композиционные функции сна в художественном произведении* (Doctoral dissertation, (PhD) по филологии: 10.00. 02/Истамова Шохида Махсудовна).
7. Истамова, Ш. М. СНОВИДЕНИЯ И СИМВОЛ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ. *Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума*, 72.
8. Истамова, Ш. М., & Шарипова, М. Б. (2024). ЛИТЕРОНОМИК ТАЖНИС САНЪАТИ АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА. *Экономика и социум*, (5-2 (120)), 1072-1075.
9. [Анъанавий туш рамзларининг поэтик матнда берилиши](#) ШМ Истамова - Новое слово в науке и практике: гипотезы и ..., 2017
10. Sulaymonovich, S. F., & Maqsudovna, I. S. (2020). Types of lexical meanings. *Journal of Critical Reviews*, 7(6), 481-484.
11. Jalilovna, Q. Z., & Maqsudovna, S. I. (2024). O 'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA LUG 'AT USTIDA ISHLASH USULLARI. *Methods of applying innovative and digital technologies in the educational system*, 1(2), 184-186.
12. Jalilovna, Q. Z., & Maqsudovna, S. I. (2024). LUG'AT USTIDA ISHLASHNING LINGVISTIK ASOSLARI VA VAZIFALARI. *PEDAGOG*, 7(6), 186-189.
13. Akbarovna, I. S., & Lola, I. (2025). IJTIMOIIY PEDAGOGIK FAOLIYATDA TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. *ZAMONAVIY TA'LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN KREATIV G'OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR*, 7(75), 201-204.
14. Икромова, С. А., & Джумаева, Ф. Б. (2025). ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ СТРУКТУРА В УЗБЕКИСТАНЕ И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ. *PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(2), 256-262.
15. Ikromova, S. A. (2025). ART TERAPIYANING RUHIY KASALLIKLARNI DAVOLASHDAGI O 'RNI VA SAMARADORLIGI. *PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(2), 154-157.
16. Akbarovna, I. S. (2024). STRESS, DEPRESSIYA VA BOSHQA RUHIY HOLATLARNING PSIXOLOGIYADAGI O'RNI. *Science, education, innovation: modern tasks and prospects*, 1(3), 7-13.
17. Akbarovna, I. S. (2023). GENERAL SIGNS OF A TEENAGER'S ORIENTATION TOWARD DESTRUCTIVE BEHAVIOR. *International scientific review*, (XCI), 19-20.
18. Akbarovna, I. S. (2025). YOSH DAVRLARIDA SHAXSIY O'ZIGA XOSLIKNING SHAKLLANISHI. *PEDAGOGIK TADQIQOTLAR JURNALI*, 3(1), 316-321.
19. Икромова, С. А. (2024). ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ПСИХОЛОГИИ В ЖИЗНИ ЧЕЛОВЕКА. *Introduction of new innovative technologies in education of pedagogy and psychology*, 1(3), 26-31.
20. Ikromova, S. A. (2024). INTELLEKT VA IQBOL: KOGNITIV PSIXOLOGIYA. *Problems and solutions at the stage of innovative development of science, education and technology*, 1(2), 99-104.